

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ ВА ҲАҚИҚАТ МАСАЛАСИ

Панжиев Сухроб – ТерДУ ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан “Ислохотлар ислохот учун эмас, ислохот инсон учун” тамойили илгари сурилди ва у изчиллик билан амалга оширилди. Ҳар қандай ислохот, янгиланишлар энг аввало инсон онги ва тафаккури, қалби ва туйғулари орқали амалга оширилмоғи ҳамда жамиятнинг маънавий ҳаёти ва ҳақиқат масаласини фалсафий англамоғи лозим. Бунинг учун дастлаб одамларни ислохотларга тайёрлаш, унга бутун имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш эркинлик бериш зарур. Бу ўз навбатида маънавий ва ахлоқий негизларга таяниш, жамиятни эркинлаштириш, демократик тамойилларини чуқурлаштиришни тақозо этади. Бир сўз билан айтганда жамиятда маънавий ҳаётни ҳақиқат мезонлари орқали барпо этишдан аввал, маънавиятнинг ўзини англаш, унинг кишилик жамиятидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Хўш, маънавият нима? Маънавий ҳаёт ва ҳақиқатнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти нималардан иборат? деган савол туғилиши табиий, албатта. Бу борадаги фикрлар турли ҳил бўлсада, “Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹. Шунингдек, маънавият тушунчаси орқали жамият ҳаётининг ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Маънавий ҳаёт ва ҳақиқат масаласи эса, ҳақиқатнинг ахлоқий-этик, эстетик ва праксеологик мазмунга эғалигини акс эттиради, уни ҳаётнинг маъноси, инсон амалий фаолияти учун қадриятга эғалиги билан узвий алоқадорлигини ифодалайди. Аниқ фанларда, айниқса математикада ҳақиқат ана шу тушунча орқали кўпроқ ифодаланади. Мисол, масала, теоремаларнинг ечимлари тўғри бўлса ҳақиқат деб қабул қилинади.

¹ Каримов.И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” – Т.: “Маънавият”, 2008 й, 19-бет.

Маънавий-ахлоқий маънода эса ҳақиқат – ёлғоннинг акси, тўғрилиқ, адолатли, аниқ-равшан бўлган барча нарса ва ҳодисалардир. Негаки, бу сўз кўпинча ҳаққонийлик, адолат, одиллик сўзлари билан ҳамоханг. Ҳақиқат кўпроқ ақл ва тафаккурга тегишли бўлса, тўғрилиқ, эзгулик ёки яхшилик эса маънавиятга, ахлоқ ва иродага тааллуқлидир.

Аслини олганда, «ҳақиқат» тушунчаси кенг маънода объектив ҳақиқатни ҳам, ахлоқий ҳақликни ҳам, аниқ, тўғри натижани ҳам ўзида камраб олган. Ҳақиқатни топиш, унга эришишга интилиш ва англаш, уни инсонлар ўртасида қарор топтириш, илм-фаннинг, маънавият ва ахлоқнинг муҳим таркибий қисми, долзарб вазифаси ҳисобланади. Ҳақиқатни билиш, уни англаш, тўғри натижага эришиш инсонни маънан бойитади, унга амалий фаолияти давомида аниқроқ ҳаракат қилишга ёрдам беради.

Маънавий ҳаётда ҳақиқат тушунчаси “ҳақгўйлик”, “тўғри” ва унинг зидди “ҳақсизлик”, “ёлғон” тушунчалари орқали ишлатилади. Гоҳида ҳақиқат “адолат”, “одиллик” атамалари орқали ҳам ифодаланади. Ёлғон ҳақиқатнинг оддийгина зидди эмас. Ёлғон гапираётган кимса, гўёки инсон ва унинг эрки ва озодлигига ҳалақит бераётган, уни воқелик тўғрисидаги чекланган қарашларга йўллаётган одамга ўхшайди. Зеро, ҳақиқатни бузиш ва яшириш, тўғрини нотўғри дейиш ҳамиша қаллобликка, ҳақсизликка хизмат қилган. Ҳақиқатни ҳурмат қилмаслик, унга нисбатан бефарқлик жамиятга, одамларга нисбатан ҳурматсизлик, ҳаёт ҳодисалари ва улар мазмунига лоқайдликни келтириб чиқаради. Ҳақиқатни билмаслик хато бўлса, у билан ҳисоблашмаслик жоҳилликка, ўзига бино қўйишга олиб келиши мумкин. Бу эса, жамиятнинг маънавий ҳаёт барқарорлигига путур етказиди.

Дарҳақиқат, маънавиятнинг инсон, оила, миллат ва жамият ҳаётидаги ўрни нихоятда каттадир. У ўзининг аҳамияти ва салоҳияти жиҳатдан жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омилларнинг асосини ҳам ташкил қилади. Тарихий тараққиётнинг аччиқ тажрибасидан маълумки, очни тўйдириш, яланғочни кийинтириш мумкин. Аммо, бир авлод умри давомида маънавий қашшоқликдан кутилиш мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки

инсоннинг ички ботиний кучи унинг ҳатти ҳаракатларини, мақсадларини белгилаб беради, Шу жиҳатдан қарағанада, бугун инсон, “инсон-жамият” муаммосини ҳал қилиш, бутун инсониятни “инсонийлаштириш”, миллатни инсониятнинг улкан қадриятига айлантириш, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммолар оқилона ҳал этиш, фақатгина маънавиятга таяниш, жамиятнинг маънавий ҳаёт барқарорлигини таъминлаш ва ҳақиқатни англаш орқали эришиш мумкин бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунёни қамраб олган глобаллашув жараёнларига назар ташлаб, инсон онги ва тафаккури учун гоҳ ошкор, гоҳ яширин тарзда турли ғоялар ва мафкуралар кураши кечаётганини кузатамиз. Бундай курашларнинг туб мазмун-моҳияти нимага қаратилганини, ундан қандай сиёсий кучлар манфаатдор бўлишини англаб этиш учун эса, биринчи галда ҳақиқат масаласига масъулият билан ёндашиш лозим.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганларидек, “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин”². Бу ҳолат урбанизация ва глобаллашув жараёнида турли халқлар турмуш тарзининг, ҳаётий қараш ва мезонларининг яқинлашуви, ҳордиқ ва истеъмолнинг стандартлашуви оқибатидир. Лекин глобаллашув таъсирининг кучайиш сабаблари фақат шулардангина иборат эмас. Булар қаторида оммавий маданиятнинг кенг тарқалиши ва таъсир кўрсатишига унинг психологик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, эстетик ва бошқа сабаблари ҳам бор. Шу боис, глобаллашув жараёни доирасида содир бўлаётган муҳим бир ҳақиқатни ҳам унунмаслик керакки, бугунги кунда инсон глобаллашув жараёнининг бош объекти ҳисобланади.

² Каримов.И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” – Т.: “Маънавият”, 2008 й, 113-бет.

Глобаллашув жараёни иқтисодиёт тараққиётининг ривожланишига канчалик ижобий таъсир ўтказмасин, унинг миллатлар “Мен”нинг барбод бўлишига, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан қашшоқлашувига ўтказаётган таъсири тобора хатарли тус олмоқда. Бунинг олдини олиш ўта муҳим, керак бўлса, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бундай мураккаб бир шароитда маънавий ҳаёт муҳитини мустаҳкамлаш ва ғоявий иммунитетни янада кучайтиришни заруриятга айланмоқда. Инсонлар турмуш тарзи ва жамият маънавий барқарорлигига эришиш учун таҳдидларнинг асл моҳиятини тушуниб этиш ҳамда ҳақиқатини англаш муҳим ҳисобланади. Бундай қобилият инсонда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, албатта. Бунинг учун кучли, ирода, мустақил фалсафий фикр ва дунёқарашга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар қандай маънавий қашшоқлик ва ахлоқсизликлар таъсири остида вояга етаётган ёш авлод уларга қарши ғоявий иммунитетни кучайтиришнинг энг муҳим омили бу – миллий тарбия ва таълим масаласи бўлиб, маънавий ҳаёт барқарорлиги ва ҳақиқатни англаш учун муҳим ҳисобланади. Шу боис, маънавий ҳаёт ва ҳақиқат масаласини жамиятнинг маънавий тараққиётидаги аҳамиятини кўйидаги омиллар орқали изоҳлашимиз мумкин:

Биринчидан; кишилиқ жамиятининг маънавий ҳаётида ҳақиқат масаласи орқали одамларнинг дунёқарашини ва тафаккурини бошқариш эмас, балки, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш, бойитишда, биринчи навбатда, одамлар дунёқарашини ва тафаккурининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олиш зарур.

Иккинчидан, мустақил фалсафий дунёқарашни, воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш ҳамда баҳолаш қобилиятини шакллантириш, табиат ҳамда жамият ижтимоий жараёнларига онгли муносабатда бўлиш ва уларни раванқ топтириш йўлида астойидил фаолият олиб бориш кўникмаларини ҳасил қилиш лозим;

Учинчидан, Оммавий маданиятни ниқоб қилиб олган аксилмаданиятга, унинг дидсизлиги ва ахлоқсизлигига, инсонни

ҳақоратловчи, тубанлаштирувчи маҳсулотларга ва миллий ўзига ҳосликка нисбатан яширин таҳдидлар қарши курашиш;

Тўртинчидан, ўтмиш маънавий меросимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш учун замин яратиш, миллий-маънавий тарбия ва маънавий-ахлоқий қадриятларга содик қолишни инсоннинг барча фаолиятида устувор бўлишини таъминлаш;

Бешинчидан, миллий қадриятларимизга ёт ғояларни ёшлар онгига сингдиришга уринаётган, қабих мақсадларига етиш учун ҳаракат қилаётган кучларга, миллий ва инсоний қадриятларга зид, ахлоқсизликка, маънавийсизликка ундовчи восита ва усулларга қарши курашиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, жамият ва давлат барқарорлигининг энг муҳим омилларидан бири табиийки кишилик жамиятининг маънавий қиёфасида ўз ифодасини топади. Ҳақиқат орқали инсонлар объектив воқеликка мос келувчи нарса ва ҳодисаларнинг реал ҳолатдаги мазмунини сифат ва хусусиятларини тўғри акс эттирувчи билимларга эга бўлади. Шунинг учун, маънавий ҳаётда ҳақиқатни англашнинг аҳамияти инсон тафаккури, маънавий дунёсида содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри муносабатни шакллантириш, воқеа ва ҳодисаларнинг оқибатини англаш орқали барқарорликка эришишга замин яратади.

Жамиятнинг маънавий ҳаётини барқарорлаштириш, албатта ҳақиқатнинг тўғри тушуниш ва англаш орқали эришилади. Зеро, ҳақиқат қарор топмаган жойда маънавий ҳаёт ҳам, ижтимоий-мафкуравий барқарорлик ҳам бўлмайди. Бу эса жамият таназзулига, одамлар ўртасида ёлғон, ҳақсизлик, адолатсизлик каби иллатларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Шундай экан, ҳар бир обод турмуш тарзига интилаётган инсон, маънавий ҳаёт ва жамият барқарорлигида, қолаверса жамики бошқа соҳаларда ҳам ҳақиқат масаласи устивор аҳамият касб этса, бундай инсон, ҳаёт ва жамият доимо обод ва фаровон яшайди.